

ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ: ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мақсудов Хушнур Хуршедович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар органларида
қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори*

Гиёхвандликка қарши курашишга оид халқаро ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этган халқаро ҳужжатлардан бири, 1961 йил 30 мартдаги “Гиёхвандлик воситалар тўғрисида”ги Ягона конвенция гиёхвандлик соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда давлатларга тегишли равишда ҳуқуқий чоралар кўриш мажбуриятини юклайди. Ушбу конвенцияда гиёхвандлик воситалар сифатида эътироф этиладиган воситалар рўйхати тузилган бўлиб, улар ўрнатилган назорат режими, зарари даражасига кўра гуруҳларга ажратилган. Улар ичида тақиқланган гиёхвандлик воситаларига қуйидагилар киради; опиум, героин, морфий, кокаин, марихуана, наша ва бошқалар. Ушбу ҳужжат давлатлар ҳудудида гиёхвандлик воситаларини тайёрлаш, тарқатиш устидан назоратни амалга оширишни назарда тутаяди, гиёхвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш, яъни, сотиш, сотиб олиш, ташиш билан боғлиқ жиноятлар таркибини квалификация қилиб беради. Конвенциянинг аъзо-давлатлари қатор хаттиғҳаракатларни жиноий қилмиш деб эълон қилиш мажбуриятини оладилар. Бундай хаттиғҳаракатлар конвенциянинг 36 моддасида санаб ўтилган бўлиб, уларга гиёхвандлик воситаларини ўстириш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, таклиф этиш, тарқатиш, сотиб олиш, сотиш. Хар қандай шароитларда етказиб бериш, ўртада туриш, жўнатиш, транзит билан қайта жўнатиш, ташиш, олиб кириш, олиб чиқиш киради. Ушбу Конвенция асосида 1968 йили Гиёхвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Халқаро кенгаш тузилган бўлиб, у гиёхвандликка қарши курашда давлатлар ҳамкорлигини шакллари ташкил этади ва унинг зиммасига Конвенцияга аъзо-давлатларнинг ҳукуматлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, давлатлардан гиёхвандлик воситаларининг йиллик ишлаб чиқарилиши, истеъмол қилиниши, четга чиқариш ва четдан олиб кириш, шунингдек, қанча захирага эга эканлиги тўғрисида маълумотларни сўраш, халқаро савдо учун гиёхвандлик воситаларини сотишни аниқлаш, гиёхвандлик воситалари савдоси устидан назоратни амалга ошириш, гиёхвандлик воситалари савдоси, айланиши, тарқалиши масалалари бўйича давлатлар ахборотга бериш, уларни тинглаш, зарур ҳолларда БМТга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали гиёхвандлик воситаларини экспорт ва импорт қилишга эмбарго қўйиш масаласини киритиш вазифаси юклатилган.



Гиёҳванд воситаларига нисбатан жаҳон сиёсати халқаро келишувлар ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувларда белгиланган. Конвенцияда гиёҳвандлик юбилан боғлиқ вужудга келадиган муаммоларни хал қилишнинг асосий тамойиллари шакллантирилган. Уни имзолаган давлатлар учун ушбу ҳужжатлар қоидаларини бажариш мажбурий характер касб этади ва давлатлар ўз миллий қонунчилигини ва сиёсатини шакллантиришда унга амал қилади ва ундан келиб чиқади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида гиёҳванд воситаларини тарқатиш ва наркомания касаллиги билан касалланганларни олдини олиш муаммоларига ёндашишнинг унификация жараёни кетмоқда.

Гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланмасининг доирасини кенгайтириш XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. Қисқа вақт ичида ҳеч бир давлат уларни олдини олиш ва муваффақиятли хал эта олмаслиги аён бўлди. 1912 йилдан 1972 йилгача наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича 12 та кўп томонлама шартномалар имзоланган.

1972 йилдаги Протокол билан ўзгартиришлар киритилган 1961 йилги БМТ шафелиги остида қабул қилинган наркотик воситалар бўйича Ягона конвенция бу соҳадаҳаракатда бўлган кўпгина ҳужжатларни бирлаштирди. 1971 йилги психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция эса янги категориядаги синтетик наркотик воситаларини назорат тизимини яратди.

1961 ва 1971 йиллардаги конвенцияларда ноқонуний айланмага нисбатан билвосита кураш кўзда тутилган бўлиб, улар асосан наркотик ва психотроп моддаларнинг қонуний айланмасини тартибга солишга ва ноқонуний айланманинг каналларини кенгайтиришга йўл қўймайдиган самарали назорат механизми тузишни кўзда тутган эди.

Гиёҳванд воситалар тўғрисида ягона конвенция (1961) медицинада фойдаланиладиган турли моддаларни сотиш ва улардан фйодланишни чеклайдиган ҳар хил шартномалрни бирлаштиради. 1972 йилда гиёҳвандларни даволаш ва авф этиш бўйича хизматларнинг тақдим этилиши зарурлигини таъкидлаган Протокол билан тўлдирилди.

Беҳуш қилувчи моддалар тўғрисидаги конвенция (1971) ақлий фаолиятга таъсир этадиган фармацевтика дориғдармонлари ва бошқа моддалар рўйхати бўйича халқаро назорат тизимини ўрнатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича конвенцияси (1988) гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилиш масалалари билан шуғулланади ва ўз ичига бундан даромад олиш ҳамда ноқонуний гиёҳванд моддалар тайёрлаш учун фойдаланилган химиявий моддаларни асраб қолиш масалалари билан шуғулланади.

Узоқ йиллар мобайнида халқаро ҳамжамият гиёҳвандлик муаммосига “четда турган ташвиш” сифатида қараб келган. Тўғрироғи, гиёҳванд моддалар ривожланаётган мамлакатларда тайёрланди ва ривожланган



мамлакатларда истъемол қилинади, деб ҳисобланар эди. Шу боис унга бўлган талабни қисқартириш учун яхшироқ эътибор жалб қилинмади. Бироқ вазият кескин ўзгариб кетди. Эндиликда энг кўп истъмол қилувчилар ривожланаётган мамлакатлар бўлиб қолмоқда, наша ва синтетик моддалар Шимолда, шунингдек, Жанубда тайёрланмоқда.

Натижада БМТ бу ортиқча ташвишни қисқартириш билан биргаликда, айти пайтда унга бўлган талабни ҳам қисқартиришга бирдай ёндашиш йўллари ишлаб чиқди. 1998 йилда Бош Ассамблея ўзининг гиёҳванд моддаларнинг бутунжаҳон муаммолари бўйича махсус сессиясида қатор мақсад-вазифаларни кўзда тутган аниқ муддатлар билан чекланган ва ушбу мувозанатнинг иккала томонини бирдек кўзда тутган Сиёсий декларация қабул қилди.

Гиёҳванд воситаларига нисбатан жаҳон сиёсати халқаро келишувлар ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувларда белгиланган. Конвенцияда гиёҳвандлик юбилан боғлиқ вужудга келадиган муаммоларни хал қилишнинг асосий тамойиллари шакллантирилган. Уни имзолаган давлатлар учун ушбу ҳужжатлар қоидаларини бажариш мажбурий характер касб этади ва давлатлар ўз миллий қонунчилигини ва сиёсатини шакллантиришда унга амал қилади ва ундан келиб чиқади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида гиёҳванд воситаларини тарқатиш ва наркомания касаллиги билан касалланганларни олдини олиш муаммоларига ёндашишнинг унификация жараёни кетмоқда.

Гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланмасининг доирасини кенгайтириш XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. Қисқа вақт ичида ҳеч бир давлат уларни олдини олиш ва муваффақиятли хал эта олмаслиги аён бўлди. 1912 йилдан 1972 йилгача наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича 12 та кўп томонлама шартномалар имзоланган.

1972 йилдаги Протокол билан ўзгартиришлар киритилган 1961 йилги БМТ шафелиги остида қабул қилинган наркотик воситалар бўйича Ягона конвенция бу соҳада ҳаракатда бўлган кўпгина ҳужжатларни бирлаштирди. 1971 йилги психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция эса янги категориядаги синтетик наркотик воситаларини назорат тизимини яратди.

1961 ва 1971 йиллардаги конвенцияларда ноқонуний айланмага нисбатан билвосита кураш кўзда тутилган бўлиб, улар асосан наркотик ва психотроп моддаларнинг қонуний айланмасини тартибга солишга ва ноқонуний айланманинг каналларини кенгайтиришга йўл қўймайдиган самарали назорат механизми тузишни кўзда тутган эди.

XXI аср гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни талаб этмоқда. Уларнинг асосий йўналишларидан бири – жиноий ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш ҳисобланади. Бунинг амалга ошириш учун аввало ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Эндиликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда улар

билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда умумий хусусиятлардан иборат ва барча давлатларга тааллуқли бўлган бир хил қиррали қонунчилик тизими яратилиши керак. Унда қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш лозим: биринчидан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг барча турлари аниқланган бўлиши; иккинчидан, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чоралари ҳам бир хил бўлиши; учинчидан, бундай жиноятларнинг нафақат қасд шаклида, балки шу билан ибрга эҳтиётсизлик билан содир этилганлиги ҳолатлари ҳам тан олинishi; тўртинчидан, кўп ҳолатларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ўта ижтимоий хавфли қилмиўларга айланиши; бешинчидан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларга аллақачон халқапро жиноятлар туркумига кириб, уларга хос хусусиятларга эга бўлган, чунки уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси шундан далолат бериши; олтинчидан, жаҳон миқёсида умумий ягона бўлган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1988 йилнинг 20 декабрида қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга қарши кураш” тўғрисидаги халқаро конвенцияга таяниши. Юқоридагилар асосида БМТ бошчилигида ҳозирги пайтда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш тўғрисида жаҳон миқёсида ягона жиноят қонуни қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча, айнан шу йўл билан инсониятни гиё офатидан сақлаб қолиш мумкин, акс ҳолида унинг «вабо» сингари жамиятга бундан кейин ҳам қирғин солиш хавфи муқаррардир. Бу биринчи масала.

Иккинчи масала гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилишдан иборат. Янги асрнинг дастлабки йилларида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш самарадорлигини кўтариш гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга тааллуқли мавжуд муаммоларни илимий асосда ечишни талаб этади. Уларнинг асосий қиси ўтган асрнинг 60 йилларига келиб БМТ бошчилигида 1961 йил 30 мартда Нью-Йорк шаўри да “Ягона гиёҳвандлик воситалари” тўғрисида қабул қилинган халқаро конвенцияда ўз ифодасини топган эди. Жумладан, ер юзида мавжуд бўлган барча гиёҳвандлик воситаларининг келиб чиқиши, хоссалари ва инсон саломатлиги учун ижтимоий хавфлилиқ даражаси инобатга олиниб тўртта гуруҳга бўлинади. Улар айнан шу тартиб асосида махсус рўйхатларга ажратилган: 1 рўйхатга (ацеторфин, ацетиллитадол, аллилкродина, альфацетилғметадол, бензетидин, бетамекродин, каннабис ва унинг қоришлмалари, кокаин ва ҳ.к.) киритилга бўлса, 2 рўйхатда (ацетилдигидрокодеин, кодеин, этилморфин, прорирам ва ҳ.к.) акс эттирилган; 3-рўйхатда (дигидрокодеин, этилморфин, оркодеин, фолькодеин ва ҳ.к.) ва 4-рўйхатда эса (дезоморфин, эторморфин, кетобемидон ва ҳ.к.) берилган эди. Бироқ БМТ 1988 йил 20 декабридаги



халқаро конвенциясида юқорида қайд этилган гиё воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги рўйхатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Орадан қарийб 15 йил ўтган, жамиятда рўй беоган ўзгаришлар дунёнинг кўп ҳудудларида гиё воситалари ва психотроп моддаларнинг янги турлари келиб чиқишига сабаб бўлди, уларнинг анчаси баъзи давлатларга маълум, аммо ҳалиггача халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда эътиров этилмаган, шу сабабали бошқа айрим мамлакатлар бу тўғрида маълумотларга эга эмаслар.

Ушбу халқаро конвенцияларга биноан ер юзидаги давлатларнинг қирқ фоизга яқини (жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хиндистон ва ҳ.к.) гиёҳванд воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ қонун ҳужжатларини қабул қилганлар. Ўзбекистон ҳам анна шундай ижобий ўзгаришлар натижасида 1999 йил 19 августда “гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги янги қонун қабул қилди. Мазкур қонун гиёҳвандлик воситалари иллатларига қарши курашда туб бурилиши ясади. Биринчидан, унинг умумий қоидалар бобида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг асосий тушунчалари ва назоратга олиш тартибқоидалари ифодаланган. Иккинчидан, ушбу қонунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаларда бўлиши билан боғлиқ фаолият, бундай фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш шартлари, улардан фойдаланиш, улар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишга монелик қилиш ҳамда гиёҳвандлик (наркомания) ва заҳарвандлик (таксикомания) билан касалланган беморларга бериладиган наркологик ёрдам масалалари алоҳидаалоҳида бобларга ажратилган.

Мазкур қонунда фақат гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг умумий тушунчалари, шакллари, ижтимоий хавфлилик ва улар учун жавобгарлик масалаларига эътибор берилган. Аммо, унда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг хажми, оғирлиги ёки миқдорлари кўрсатиб ўтилмаган. Маълумки, улар бундай иллатларга қарши кураш самарадорлигини кўтаришга хизмат қилади. Бинобарин, ҳолатнинг жинсийлигини аниқлашда, жавобгарлик ва жазо чораларини белгилашда бундай ўлчамларнинг катта хиссаси бор. Шу боис ушбу масалани илмий асосда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Унинг ижобий хал қиилш учун Ўзбекистонда биринчи мартаба гиёҳвандлик учтидан назорат қилиш Давлат комиссияси томонидан 1995 йил 1 апрелидаги қарорга мурожаат қилинмоғи даркор. Унда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ноқонуний муомалада бўлган гиёҳвандлик воситаларининг тартиб (рўйхати) тасдиқланган. Ушбу қарорда 34та гиёҳвандлик воситаларининг турларига нисбатан оз ҳажмдаги ва кўп миқдордаги ҳолатлари ишлаб чиқилган.

Аммо давлат комиссиясининг қарорида гиёҳвандлик воситаларининг ўлчамлари ораисда жиддий фарқ бор. Биринчидан, давлат комиссиясининг 1995 йил 1 апрелдаги махсус қарорида гиёҳвандлик воситаларининг

34 шакли, уларнинг оз ва кўп миқдордаги ўлчамлари берилган бўлса, бунда гиёҳвандлик воситаларининг 68 тури, улар оз миқдорда, ундан ортиқроқ ва кўп ҳажмдаги ўлчамлари ҳамда психотроп моддаларнинг анна шу тартибдаги миқдорлари ва уларнинг 22 хили – Давлат комиссиясининг янги 1998 йил 22 майдаги қарорида аниқ ифодаланган эди. Яна унда гиёҳвандлик воситаларининг турлари икки мартабага (100 фоизга) ошганлиги ва уларнинг аксарияти кишиларнинг соғлиғига хавф туғдириб, сон жиҳатдан янада кўпайганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Иккинчидан, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90 йиллари ва унинг иккинчи ярмигача гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар инсоният учун унча хавfli эмсиди? Улар иллат каби жамиятимиз учун ўтган аср охирида ва янги даврга келиб пайдо бўлдимми? Бундай ҳар хил мазмундаги саволларни янада давом эттириш мумкин. Аммо фикримизча, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўлчамларини (оғирлиги, ҳажми ёки миқдорини) асосан ўзгартириш (ошириш ёки камайтириш) йўли билан уларнинг ижтимоий хавfliлиги даражасини ошириш ҳамма вақт ҳам кўзланган мақсадни олиб келмайди. Масалан, оз миқдордаги марихуанани (5 г.) кўп миқдорга айлантириш орқали (олдин эса бундай оғирликдаги марихуана 500 г ва ундан кўп бўлиши шарт эди) унинг ижтимоий хавfliлигини ошириш ҳолатлари белгиланади. Унда жавобгарлик ва жазо чораларини жиддий кучайтиришга олиб келади. Агар бизнинг давлатимизда 1998 йилнинг май ойларигача 5 граммгача марихуанани ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва бошқа ҳаракатлар (сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш) учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлса, эндиликда оғирлиги 5 г бўлган марихуана фақат жиноят таркибини ташкил этади, балки шу билан бирга айбни оғирлаштирувчи ҳамда ўта оғирлаштирувчи ҳолатлар тариқасида ҳам амалдаги қонунларимизга биноан бўлиши мумкин (ЖК 273 м.). Учинчидан, мазкур давлат комиссиясининг 1998 йилги қарорида қизиқарли ҳолатлар кўрсатилган, янги гиёҳвандлик воситаси оз (кам) миқдорда бўла олмаслиги кўрсатилган, асос қилиб эса уларнинг ижтимоий хавfliлиги олинган. Буларга героин, фенцикликдин, броламфетамин, диэтиламидлизергин кислотаси (ЛСД), этициклин ва теноциклидинга ўхшаш гиёҳвандлик воситасининг турлари мисол бўлади. Жавобгарлик масаласи уларга нисбатан кўп бўлмаган миқдор асосида ҳал қилиниши даркор, демак улар барча вазиятларда жиноят таркибини ташкил қилади. Бу тергов ва суд амалиётини янгилик тариқасида янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.